



Атамурадов Ш.А.

## ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Атамурадов Шерзод Акрамович - Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети, Кимё-металлургия факультети декани ўринбосари, PhD.

**Аннотация:** Мақолада ривожланган мамлакатларда инновацион технологияларни молиялаштиришнинг бир нечта моделлари, уларнинг имкониятлари камчиликлари тадқиқ қилинмоқда. Шунингдек, келтирилган моделларни миллий иқтисодиётга жорий этган мамлакатлар тажрибаларидан мисоллар келтирилмоқда.

**Калит сўзлар:** венчур капитал, инновацион технологияларни молиялаштириш, халқаро инвестициялар

**Аннотация.** В статье исследуется несколько основных типов моделей, используемых в передовых странах для финансирования инновационных технологий, анализируются достоинства и недостатки, а также рассматриваются примеры стран, использующих каждую из моделей.

**Ключевые слова:** венчурный капитал, финансирование инновационных технологий, международные инвестиции.

**Abstract.** The article investigates main types of models of financing innovations, which are used in leading countries, advantages and disadvantages are analyzed, article also explores examples of countries, which use each model.

**Keywords:** venture capital, financing innovations, international investments.

**Кириш.** Сўнги йилларда Ўзбекистонда бевосита давлат раҳбари томонидан демократик ва ҳуқуқий жамият қуриш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси белгилаб берилди, тараққиётнинг ўзига хос стратегияси ишлаб чиқилди. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида эркинлаштириш, таркибий қайта қуриш ва модернизациялашга йўналтирилган туб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг модернизация қилиниши муносабати билан юқори технологияларга асосланган фаолият соҳалари ва инновацион лойиҳаларни ривожлантириш учун қўшимча молиявий ресурсларига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Ушбу мақолада таваккалчиликка асосланган инвестицияларнинг анъанавий ва замонавий манбалари кўриб чиқилган бўлиб, венчур молиялаштиришнинг муқобил воситаларини ривожлантириш имкониятларини баҳоланади.

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузалари ва фармонларида миллий иқтисодиётни

модернизация қилиш ва уни янгидан санаолаштириш, уни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш вазифаларини олдимизга қўймоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик томонидан инновацион иқтисодиётга ўтиш учун зарур бўлган институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришга йўналтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо шунга қарасдан, илмий муассасаларнинг бугунги кун талабларига мос равишда фаолият юритиши, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар давомида бир қанча муаммоларни ҳам кузатишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш Стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга қадар бу кўрсаткични ЯИМ ҳажмининг 0,8 фоизига етказиш белгиланган [4].

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Инновацион фаолиятни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш, инновацион бошқарув усуллари такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан назарий ҳамда илмий нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилмоқда.

Жумладан, иқтисодиётни инновацион ривожланиши ва инновацион фаолиятни молиявий таъминлаш масалалари тадқиқоти хорижлик олимлардан, Лундвалл Б., Менш Г., Портер М., Солоу Р., Тоффлер Э., Фримен К., Шумпетер Й. ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида инсон капитали ва бошқа омилар ролини оширишга қаратилган тадқиқотлар МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Виролайнен, Е.Игнатущенко, И.Мельникова, А.Нечаев, И.Родионов, Ю.Рюмина, Т.Тумина, Р.Фатхутдинов кабиларнинг илмий ишлари



бағишланган. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам қараб чиқилган. Булар жумласига Бегалов Б.А., Вахабов А.В., Пардаев М.Қ., Воронин С.А., Гаибназарова З.Т., Кадиров А.А., Маҳкамова М.А, Назарова Р.Р., Хамидулин М.Б., Юлдашев Ш.Г. ва бошқаларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Аммо ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулот ҳажмини оширишнинг асосий омилли бўлган инновацион фаолиятни молиявий таъминлашни такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқот мавжуд эмас. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инновацион омиллар асосида ривожланиш йўллари тадқиқ этиш ва уларни молиявий таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича чуқур тадқиқотларни амалга оширишни, буларни мамлакатимиз амалиётига тадбиқ қилиб инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнларини жадаллаштириш лозимлигини талаб қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш ва гуруҳлаш, график усуллари, тарихийлик ва мантиқийлик ёндашувларидан фойдаланилган

**Таҳлил ва натижалар**


Венчур бизнесининг замонавий амалиётида венчур капиталининг учта асосий ҳудудий бозори шаклланган бўлиб, улар ўз ичига АҚШ,

Ғарбий Европа (Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқалар) ва Шарқий, Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё (Япония, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон) ҳудудларини олади. Ушбу бозорлардан ҳар бири ўзининг ривожланиш хусусиятларига эга. Бундан ташқари, охириги йилларда Марказий ва Шарқий Европа, Исроил ва Австралияда венчур капитали бозорлари фаол шаклланмоқда.

1960 йилларда венчур бизнесининг яққол муваффақияти ва унинг кейинги кучли ривожланиши, молиявий ва бошқарув доираларининг катта қизиқишига сабаб бўлди ва унинг инфраструктурасини яратиш, тўғридан-тўғри инвестициялар соҳасида ўзаро алоқаларни такомиллаштиришни талаб қилди. 1973 йилда кенг доираларда АҚШ иқтисодиётининг мустақамлиги учун венчур бизнесининг нақадар муҳимлиги тушунчасини шакллантириш ва жамиятда венчур капиталистлари ва ривожланаётган компанияларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Миллий венчур капитали уюшмаси (National Venture Capital Association, NVCA) тузилди.

Ҳозирги кунда бу уюшма томонидан инновацион лойиҳага эга ва қуйидаги шартларга мос келувчи ривожланаётган корхоналарга венчур капитали киритилади:

- анъанавий банк кредити орқали молиялаштирилмаган бўлса;
- корпорациялар ёки йирик корхоналар маҳсулоти босими мавжуд бўлса;
- ривожланиши учун одатда 5-8 йил, ёки ундан ҳам кўпроқ вақт талаб қиладиган бўлса.



**1-расм. АҚШ Миллий венчур капитали уюшмаси томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштириш даври**

АҚШ Миллий венчур капитали уюшмаси инновацион лойиҳаларни молиялаштиришни 4 даврга бўлади:

1- Ғоя (стартап)нинг шаклланиши – бизнес концепцияси, бизнес режа, маҳсулот

2- Ривожланиш (илк босқич) – жараётлар кетма-кетлиги, ўсиш;

3- Ўсиш (кечки босқич) – кенгайтириш;

4- Етуклик даври – ўйиндан чиқиш.

Венчур капиталининг мамлакат иқтисодиётида иштирок этишининг кенгайиши



ва янги кичик юқори технологияли фирмаларнинг яратилиш жараёни бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Хусусан, АҚШ венчур капиталнинг қарийб учдан бир қисми тўпланган Калифорнияда илғор технологияларни яратиш билан шуғулланувчи 10 мингдан ортиқ компаниялар самарали ривожланмоқда ва улар 7 миллиондан ортиқ кишини иш билан банд қилиб турибди [2]. Бунинг натижасида, бир томондан АҚШда венчур капитали ҳажмининг янада кучли ўсган бўлса, бошқа томондан инновацион портлаш юз берди, чунки венчур капитали катта даромадларни олишга ва ривожланиши кейинчалик йирик компанияларнинг вужудга келишига имкон берувчи инқилобий технологиялардан фойдаланган кўплаб янги лойиҳаларни молиялаштиришга имкон берди.

Американинг кичик венчур фирмалари муваффақияти шунчалик ҳайратланарли эдики, кўплаб ғарбий европа мамлакатлари охириги 20 йилда ўзларининг венчур бизнеси саноатининг вужудга келишини рағбатлантириш учун жиддий ҳаракатларни амалга оширишди. Бунда миллий анъаналарга мувофиқ, турли мамлакатларда илмий-технологик ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ривожланганлик даражаси қилиб, венчур молиялаштиришнинг устувор соҳалари сифатида, табиийки, иқтисодийнинг турли тармоқлари танланган эди. Хусусан,

- **Голландия, Ирландия ва Франция** учун венчур молиялаштирилиши ахборот технологиялари, электроника ва телекоммуникация соҳаларида ўзининг кенг тадбиғини топди.

- **Германия, Норвегия ва Данияда** венчур капиталистлари ушбу мамлакатлар учун анъанавий секторга яқин бўлган технологияларни яратувчи, саноат маҳсулотлари ва хизматларни чиқариш, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш билан боғлиқ бўлган кичик фирмаларга афзаллик беришган.

- **Буюк Британия, Италия ва Ирландияда** венчур капитали асосан юқори истеъмолчилик эҳтиёжига эга бўлган товарларни ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди.

- Нисбатан арзон ишчи кучи бўлган **Испания ва Португалияда** венчур капитали асосан қайта ишлаш саноати билан боғлиқ бўлган кичик фирмаларга йўналтирилган.

Венчур инвестициялаш механизми АҚШ да Ғарбий Европадагига нисбатан анча илгарироқ вужудга келганини инобатга олсак, Шимолий Америка қитъасидаги венчур бизнеси ўзининг ҳажми ва ривожланганлиги бўйича Ғарбий Европадагига қараганда кучлироқ эканлиги тушунарли бўлади. Бироқ АҚШ венчур саноатининг Ғарбий Европадагидан асосий фарқи нафақат унинг ҳажмида акс этади, балки

инвестициялаш объектларини танлашда ифодаланади. Хусусан, АҚШда инвестициялаш биринчи навбатда янги юқори технологияларга йўналтирилган. Охириги йилларда бундай технологиялар асосида ривожланаётган фирмалар, венчур капитали йўналтирилган барча компанияларнинг тахминан 60% ни ташкил этган.

Америка венчур саноатининг бошқа бир фарқи – инвестицияларни олувчилар қаторида ўзининг илк ривожланишидаги фирмаларнинг юқори улуши ҳисобланади (2000 йилда ушбу кўрсаткич 30% ни ташкил қилган). Бунда 2005 йилга келиб венчур инвестициясининг ўртача ҳажми 5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса 2018 йилда 100 млрд АҚШ долларига етган [3].

АҚШдан фарқли равишда, Ғарбий Европада венчур инвестициялар тармоқлар ўртасида бир мунча тенг тақсимланади, ривожлантириш дастурларини молиялаштириш жараёни юқори технологияларни қўлловчи фирмалар билангина чекланмасдан, компанияларни ҳам қамраб олган. Ғарбий Европа мамлакатларида венчур капитали асосидаги тадбиркорликнинг ўсиши кўп жиҳатдан 1980 йилларда бошқарув ходимларининг ўзлари ишлаган корхоналарни сотиб олишга қизиқиши билан изоҳланади. Венчур капиталнинг бундай тузилиши, биринчи навбатда, Буюк Британия ва Франция учун ҳосдир.

Венчур капиталнинг Америка ва Ғарбий Европа бозорлари, шунингдек шаклланиш манбалари билан ҳам бир-бирдан ажралиб туради: Ғарбий Европада венчур капиталнинг асосий инвестори бўлиб тижорат ва клиринг банклари, давлат муассасалари, университетлар ҳисобланса, АҚШ да бундай инвесторлар бўлиб пенсия фондлари, ҳомийлар, хусусий шахслар ва суғурта компаниялар ҳисобланади. Ғарбий Европа мамлакатлари орасида фақатгина Буюк Британияда пенсия фондлари венчур капиталнинг фондларини асосий тўлдириб турувчи ҳисобланади; Германияда, масалан, мамлакатда ишлаётган венчур капиталнинг ярмидан ортиғи банкларга тўғри келади.

Венчур инвестициялаш бозорларининг кенгайишига кўп жиҳатдан давлатнинг қўллаб-қувватлаши ёрдам бериб, бу саноати ривожланган мамлакатларнинг бозорнинг алоҳида иштирокчиларининг рақобатли устунлигининг асосий манбаси бўлиб янгиликларни амалга ошириш қобилияти, иқтисодийда эса инновацион ривожланишга рағбатлантириш бўлган инновацион ривожланиш моделига ўтган вақтда айниқса сезилади. Бундай шароитларда венчур бизнеси миллий инновацион тизимларнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади ва саноати ривожланган мамлакатларнинг



ҳукуматлари уни янада кенгроқ тадбиқ қилишга интилишади [4-8].

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда венчур молиялаштириш хусусиятларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

**Биринчидан**, венчур капитали ўзидан молиялаштиришнинг алоҳида таваккалли турини ифодалайди. Кўп ҳолларда тузилган венчур корхонаси зарарлигича қолади. Шу билан бирга молиялаштирилаётган лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш натижасида олинadиган фойда, унга киритилган сармоядан ўнлаб ёки юзлаб мартага ошиб кетади, бу эса юқори таваккаллигига қарамасдан венчур капиталини қўллашни жуда жозибали қилади [9,10].

**Иккинчидан**, венчур инвестициялаш бир қатор ташкилотлардан янги тузилаётган корхона ёки лойиҳалар фойдасига йирик молиявий киритмаларни жамлаш ва қайта тақсимлашни амалга оширувчи махсус фондларни яратиш орқали амалга оширилади. Венчур фондларини шакллантириш манбалари муҳим ҳудудий фарқларга эга ва тарихан вужудга келган амалиёт билан белгиланади. Хусусан, Ғарбий Европа мамлакатлари учун банк капиталининг устунлик қилиши ҳос. Японияда венчур фондини шакллантиришнинг анъанавий манбаси бўлиб ТНК ва МСҒ маблағлари ҳисобланади [11].

**Учинчидан**, европа мамлакатларида венчур молиялаштиришнинг ўзига ҳос хусусияти бўлиб венчур фондларнинг унчалик катта бўлмаган ўлчами ҳисобланади, бунинг натижасида венчур синдикатлаш каби ҳолат вужудга келди. Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқли равишда, АҚШда венчур инвестициялаш асосан битта, йирик фонд маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бунда охириги йилларда АҚШ венчур фондларининг ўртача ўлчами 3 бараварга ошиб, ҳозирда тахминан 140 млн. АҚШ долларига етган.

**Тўртинчидан**, 50% дан ортиқ венчур капитали ахборот технологияларини ишлаб чиқариш бўйича битимларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Айнан ахборот технологияларини етказиб берувчи компаниялар АҚШ даги венчур инвестицияларни олувчи 20 та йирик компаниялар рўйхатини бошқаради.

**Бешинчидан**, охириги йилларда венчур капиталининг юқори технологияли парклар чегарасида жамланиш тенденцияси кузатилиб, ушбу паркларнинг қўллаб-қувватловчи инфраструктураси инвестициялаш жараёнининг анча енгиллаштиради ва инновацион лойиҳанинг муваффақиятли яқунланиш имкониятини оширади.

**Олтинчидан**, жаҳон капитал бозорининг объекти сифатида венчур капитали сармоя

киритишнинг энг фойдали шартларини таклиф қилган ҳудудларга йўланади. Ҳозирги вақтда бундай регионлар бўлиб Швеция, Исроил, Испания, Канада ҳисобланади ва уларда венчур капиталига бўлган эҳтиёж миллий инвесторларнинг имкониятларидан анча ошади, бу эса хорижий венчур инвесторлар учун жозибали шароитларни яратишга туртки бўлади.

Жаҳоннинг ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган етакчи индустриал мамлакатлардан фарқли равишда, иқтисодиёти ўтиш босқичида бўлган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шу жумладан Россияда венчур бизнеси шаклланиш босқичида турибди ва юқори таваккалли, шу қаторда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда муҳим роль ўйнамапти.

Ушбу мамлакатларда венчур капиталининг ҳажми ҳозирча катта эмас: 1995 йилдан 2005 йилгача уларда 6 млрд АҚШ доллари жойлаштирилган бўлса, ундан 4,5 млрд. АҚШ доллари 500 та компанияга инвестицияланган. Европа венчур уюшмаси (European Venture Capital Association) нинг маълумотларига кўра, Ғарбий Европа мамлакатларида венчур капитали ҳажми ўртача Польшадаги 0,06% ёки Чехиядаги 0,05% га нисбатан ЯИМ нинг 0,28% ни ташкил қилган (бу айрим Ғарбий Европа мамлакатлари, масалан Австрия ва Португалиядагига қараганда ҳам кўпроқ) [12].

Иқтисодиёт трансформациясининг бошланғич босқичларида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ғарбий мамлакатлар учун стандарт бўлган усуллар орқали венчур сармояларни амалга ошириш учун зарур бўлган капитал ва ноу-хауга эга бўлган институтлар бўлмаган. Шу билан бирга венчур капитали бозори ушбу мамлакатларда янада ўсиш учун катта имкониятларга эга бўлиб, бу биринчи навбатда, бошқа муаммоларни ҳудудлардан кетишга ва ўз инвестициялар портфелини диферсификация қилишга интилган хорижий инвесторларнинг Марказий ва Шарқий Европа ҳудудига бўлган қизиқишининг ўсиши билан белгиланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида венчур бизнеси ривожланишининг умумий муаммолари ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, бугунда венчур капитали асосан хорижий инвестицияларга асосланган ва шахсий молиявий маблағларнинг яққол тақчиллигини сезмоқда. Шу билан бирга ушбу мамлакатларда суғурта ва бошқа фондларни венчур молиялаштиришга қўшиш механизмлари қарийб ривожланмаган, мазкур фаолият турини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси заиф ишлаб чиқилган бўлиб, бу венчур фирмалари ва венчур инвестициялашни



ташқиллаштириш жараёнининг ортиқча бюрократлашига олиб келади [13,14].

Европа венчур уюшмаси экспертларининг фикрига кўра, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида венчур бизнеси ривожланишига тадбиркорлик маданиятининг йўқлиги ва етишмаслиги, шунингдек қонунчилик ва солиқ тизимларининг такомиллашмаганлиги катта тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, молия ва бозор тўғрисидаги ишончли ахборотни олиш, инновацион менеджмент

соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги маълум бир муаммони келтириб чиқармоқда.

Шунга қарамасдан, яқин 15-20 йилда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида барқарор сиёсий муҳит ҳукмрон бўлиш шарт билан венчур бизнеси юқори суръатларда ривожланишини тахмин қилишга барча асослар мавжуд.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

[2]. <https://www.sba.gov/sites/default/files/advocacy/2018-Small-Business-Profiles-CA.pdf> - АҚШ кичик бизнес маъмурияти маълумотлари

[3]. <https://sharespro.ru/news/1913-obem-venchurnyh-investicij> - Sharespro - фонд бозори эксперт компанияси маълумотлари

[4]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.

[5]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сонли Фармони

[6]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. ПФ-6097 – сон 2020 йил 29 октябр.

[7]. Хамидулин М. Особенности финансирования инноваций // ж. «Управление предприятием», 2012 г., № 8, с. 58-67.

[8]. Вахабов А.В. Инновацион ривожланишга ўтиш ва иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш муаммолари// Тежамкорликнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари- Тошкент, 2016, с. 4-14;

[9]. Атамурадов С. (2019). Турли минтақаларда венчур инвестицияси муҳити таҳлили ҳамда венчур бизнесини ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш муаммолари. Экономика и инновационные технологии, (6), 69–79. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11170](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11170)

[10]. Атамурадов Шерзод Акрамович Инновацион фаолиятни венчурли молиялаштиришнинг халқаро моделларини жорий этиш самарадорлиги // Экономика и финансы (Узбекистан). 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-faoliyatni-venchurli-moliyalashtirishning-hal-aromodellarini-zhoriy-etish-samaradorligi> (дата обращения: 09.01.2023).

[11]. Атамурадов Ш. А. (2022). Саноатда инновацион фаолиятни ривожлантиришда венчур инвестицияларини жалб қилиш масалалари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1868>

[12]. Атамурадов Ш. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. – 2019. – №. 2.

[13]. Улашев, И. О., Ш. А. Атамурадов. "Корхона иқтисодиёти ва менежменти." Ўқув қўлланма. Тошкент-2013.

[14]. Атамурадов Шерзод Акрамович Инновацион тадбиркорликда венчур инвестицияларини жалб қилиш муаммолари // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №1 (137). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-tadbirkorlikda-venchur-investitsiyalarini-zhalb-ilish-muammolari> (дата обращения: 09.01.2023).